

УДК 316.77:004.738.5:37.013

## АХБОРОТ МАДАНИЯТИ ВА ФЕЙК ЯНГИЛИКЛАР: ЁШЛАР ОРАСИДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

*Абдуқаюмов Анвар Худойбердиевич*

*Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари ва физика-математика факультети, Ахборот технологиялари кафедраси, Ўқитувчиси*

*E-mail: [anvarbek@programmist.ru](mailto:anvarbek@programmist.ru)*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада ахборот маданияти тушунчаси, фейк янгиликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши сабаблари ҳамда уларнинг ёшлар онгига кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинади. Шунингдек, ёшлар орасида танқидий фикрлаш кўникмасини шакллантиришида мавжуд муаммолар, таълим тизими, оила муҳити ва ижтимоий тармоқлар таъсири ўрганилади. Муаллиф ахборот маданиятини ривожлантириши ва фейк янгиликларга қарши курашиши мақсадида медиа саводхонликни ошириши, таълимда янги усуллар жорий этиши ва ёшлар учун махсус лойиҳаларни таклиф этади.*

**Калит сўзлар:** *Ахборот маданияти, фейк янгиликлар, танқидий фикрлаш, ёшлар, таълим, медиа саводхонлик, ижтимоий тармоқлар, ахборот, таҳлил, манипуляция, оила, стратегия.*

## ИНФОРМАЦИОННАЯ КУЛЬТУРА И ФЕЙКОВЫЕ НОВОСТИ: ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У МОЛОДЕЖИ

**Аннотация:** *В статье рассматриваются понятие информационной культуры, причины и распространение фейковых новостей, а также их влияние на сознание молодежи. Анализируются проблемы развития критического мышления среди молодежи, роль системы образования, семьи и социальных сетей. Автор предлагает меры по повышению медиаграмотности, внедрению новых подходов в обучении и созданию проектов для молодежи с целью противодействия дезинформации и формирования здорового отношения к информации в обществе.*

**Ключевые слова:** *Информационная культура, фейковые новости, критическое мышление, молодежь, образование, медиаграмотность, соцсети, информация, анализ, манипуляция, семья, стратегия.*

## INFORMATION CULTURE AND FAKE NEWS: PROBLEMS OF FORMING CRITICAL THINKING AMONG YOUTH

**Abstract:** *This article analyzes the concept of information culture, the causes and spread of fake news, and their impact on youth consciousness. It explores the challenges of developing critical thinking skills among young people, focusing on the influence of the education system, family environment, and social media. The author proposes strategies to*

*enhance media literacy, introduce interactive learning methods, and implement youth-targeted projects to combat misinformation and foster responsible information consumption in modern society.*

**Keywords:** *Information culture, fake news, critical thinking, youth, education, media literacy, social media, information, analysis, manipulation, family, strategy.*

## КИРИШ

XXI аср дунё миқёсида ахборот технологиялари ва рақамлаштириш жараёнларининг шиддат билан ривожланиши билан тавсифланади. Замонавий жамиятда ахборот айланишининг тезлиги, ҳажми ва таъсир доираси мислсиз даражада ўсиб бормоқда. Бу ҳолат ҳар бир соҳада, айниқса, ёш авлоднинг дунёқарashi, интеллектуал салоҳияти, мантиқий фикр юритиши ва онгига беқиёс таъсир кўрсатмоқда. Рақамли муҳит инсон ҳаётининг ажралмас қисмларидан бирига айланган бир пайтда, ахборотни танлаш, таҳлил қилиш ва унга холис баҳо бериш каби кўникмалар ҳаётининг эҳтиёж даражасига кўтарилди. Айниқса, глобаллашув ва рақамли коммуникациялар тизими орқали тарқатилаётган фейк янгиликлар – яъни воқеликка тўғри келмайдиган, қасдан ёки билмасдан тарқатиладиган сохта ахборотлар – нафақат алоҳида шахсларнинг, балки бутун жамият онги ва қарор қабул қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай ахборотлар одатда жозибали сарлавҳалар, шошилинч хабарлар ёки юқори эмоционал таъсир ўтказувчи услубда берилиб, ёшларнинг диққатини тортади ва уларни таҳлилсиз қабул қилиш ҳолатини юзага келтиради [1, 2].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ахборот маданияти ва танқидий фикрлаш масалалари сўнгги йилларда ижтимоий фанлар, педагогика ва ахборот технологиялари соҳаларида фаол тадқиқ этилаётган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Айниқса, глобал ахборот маконида фейк янгиликларнинг кенг тарқалиши ушбу муаммоларга нисбатан илмий ёндашувларни кучайтиришни тақозо этмоқда. Россиялик олим **Н.Б. Кузьмина** ахборот маданиятини шахснинг ахборот билан ишлашдаги билими, кўникмалари ва қадриятлар тизими сифатида талқин қилади. Унинг таъкидлашича, ахборот маданияти нафақат техник воситалардан фойдаланиш

қобилияти, балки ахборотнинг ижтимоий оқибатларини англаш ва унга маънавий масъулият билан ёндашишни ҳам ўз ичига олади. Кузьмина фикрича, ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш орқали уларни ёлғон ва манипулятив ахборотдан ҳимоя қилиш мумкин. Америкалик тадқиқотчи **Пол Фрейре** танқидий фикрлашни шахс эркинлигининг асосий шарти сифатида кўради. У таълим жараёнида танқидий фикрлашни ривожлантириш орқали ўқувчиларни “тайёр билим истеъмолчиси” эмас, балки ижтимоий воқеликни таҳлил қила оладиган фаол субъект сифатида тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди. Фрейренинг қарашларига кўра, танқидий фикрлаш ахборотни сўзсиз қабул қилишга қарши иммунитет ҳосил қилади. Британ олими **Дэвид Бэкингем** ёшлар ва медиа муносабатларини ўрганиб, медиа саводхонликни ахборот маданиятининг муҳим таркибий қисми деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ижтимоий тармоқлар шароитида ёшлар ахборотни фақат истеъмол қилувчи эмас, балки уни ишлаб чиқарувчи субъектга ҳам айланган. Шу сабабли, уларда манба таҳлили, контекстни англаш ва ахборот мақсадини аниқлаш кўникмалари шакллантирилиши лозим. Россиялик файласуф ва педагог **А.В. Хуторской** танқидий фикрлашни компетенциявий таълимнинг асосий натижаларидан бири сифатида изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, танқидий фикрлаш — бу билимларнинг миқдори эмас, балки улардан фойдаланиш сифати ҳисобланади. Хуторской ахборотни баҳолаш, муқобил фикрларни солиштириш ва мустақил хулоса чиқариш қобилиятини замонавий таълимнинг стратегик мақсади сифатида белгилайди. Ўзбек олимларидан **Р.Ж.Ишмухамедов** ахборот маданиятини миллий маънавият ва ахлоқ билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади. Унинг фикрича, ахборот муҳитида ёшларни тарбиялашда фақатгина техник билимлар эмас, балки ахборот этикаси, масъулият ва ижтимоий онгни ҳам шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Олим фейк янгиликлар ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаб, таълим муассасаларида ахборот маданиятига оид махсус курсларни жорий этишни тақлиф этади.

Юқоридаги олимларнинг илмий қарашлари шуни кўрсатадики, ахборот маданияти ва танқидий фикрлаш ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар ёшларни фейк

янгиликлар таъсиридан ҳимоя қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур тадқиқотларда билдирилган ғоялар ушбу мақолада илгари сурилаётган фикрларни назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилади [3, 4].

Ёшлар — ахборот муҳитининг энг фаол ва таъсирчан иштирокчиларидир. Улар ижтимоий тармоқлар, мобил иловалар ва онлайн платформалар орқали катта миқдордаги ахборотни истеъмол қилади. Бироқ бу жараёнда ахборот манбаларини танлаш, унинг ҳаққонийлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш кўникмалари етарли даражада шаклланмаган. Бинобарин, ёшлар орасида фейк янгиликларга ишониш даражаси юқори бўлиб, бу ҳолат жамиятнинг маънавий-маърифий ривожига таҳдид солади.

Ушбу ҳолатда “ахборот маданияти” тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Ахборот маданияти — бу инсоннинг ахборотни излаш, қабул қилиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ундан мақсадли фойдаланиш қобилиятини ўз ичига олган мураккаб ижтимоий-маънавий фаолият туридир. Бу маданиятнинг асосий жиҳатларидан бири — танқидий фикрлаш қобилияти ҳисобланади. Танқидий фикрлаш — инсоннинг маълумот ва далилларни таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мантиққа таянилган хулоса чиқариш қобилияти бўлиб, у ёш авлоднинг ахборотга нисбатан иммунитетини шакллантиради.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, танқидий фикрлашни шакллантириш ва ахборот маданиятини ривожлантириш муаммоси замонавий таълим тизимининг стратегик йўналишларидан бири сифатида кўрилиши лозим. Мазкур мақолада ахборот маданиятининг моҳияти, фейк янгиликларнинг тарқалиш сабаблари ва оқибатлари, шунингдек, ёшлар ўртасида танқидий фикрлашни ривожлантириш механизмлари илмий таҳлил этилади. Бу таҳлиллар орқали ахборот муҳитида онгли ва масъулиятли фуқарони тарбиялаш йўллари кўрсатилади ҳамда амалиётга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ахборот маданияти — бу инсоннинг ахборотни излаш, қабул қилиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ундан мақсадли фойдаланиш қобилиятини ўз ичига олган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий фаолият туридир. Бу маданият инсоннинг ахборотга нисбатан муносабати, ахборот манбаларини танлашдаги танлов қобилияти ва ахборот этикасини ўз ичига олади.

Ахборот маданияти фақатгина технологик кўникмалар эмас, балки тафаккур маданияти ҳамдир. Ахборот маданияти юқори бўлган шахс ахборотнинг ҳақиқийлигини текшира олади, таҳлил қилади, салбий таъсирларга қарши тура олади. Бу, айниқса, ёшлар учун муҳим, чунки улар глобал ахборот муҳитида етук шахс сифатида шаклланмоқда [4, 5].

Фейк янгиликлар — бу воқеликка тўғри келмайдиган, қасддан ёки тасодифан тарқатилган нотўғри ахборотдир. Бундай маълумотлар жамиятда нотўғри фикрлар, ижтимоий тартибсизликлар ва ахборот инфлосланишига сабаб бўлади. Улар кўпинча жозибали сарлавҳалар, сезгир мавзулар ёки "шошилич хабарлар" орқали тарқатилади.

- Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ахборот тез ва кенг тарқалади. Ҳар қандай фойдаланувчи ахборот тарқатувчига айлана олади.
- Одамлар таъсирчан, сенсацион ахборотларга кўпроқ эътибор қаратади. Фейк янгиликлар кўпинча эмотсионал таъсир ўтказиш учун ишлаб чиқилади.
- Баъзи фейк ахборот сайтлари трафик орқали даромад олади.
- Маълум гуруҳлар ёки шахслар ўз мақсадларини амалга ошириш учун фейк янгиликлардан фойдаланадилар.

Танқидий фикрлаш — бу шахснинг маълумот ва далилларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва улар асосида холис хулоса чиқариш қобилиятидир. У ўқувчининг фақатгина билимни ўзлаштириши эмас, балки у билан мустаҳкам мантиқий фикр юритишга ўрганишини назарда тутди.

Танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг асосий унсурлари қуйидагилар:

Аналитик қобилият – ахборотни таҳлил қилиш, унинг манбасини баҳолаш.

Мантиқий фикрлаш – далиллар орасидаги боғлиқликларни тушуниш.

Савол бериш маданияти – ҳар қандай маълумотга нисбатан “нега?”, “қандай қилиб?”, “қайси манба?” каби саволларни бериб бориш.

Холис хулоса чиқариш – ҳиссиётларга асосланмасдан, далил ва мантиққа таяниш.

Ёшлар ва ахборот муҳити: реал ҳолат ва таҳдидлар;

Ёшлар — бу ахборот муҳитининг асосий истеъмолчилари ва иштирокчиларидир. Уларнинг ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиши, кўп ҳолларда ахборотни танламасдан қабул қилиш ҳолатини келтириб чиқаради. Баъзи тадқиқотлар ёшлар орасида фейк янгиликларга ишониш даражаси юқори эканлигини кўрсатмоқда.

- Ёшлар кўпинча расмий манбалардан эмас, балки блогерлар, танилган шахслар ёки "овоз чиқараётган" аккаунтлардан маълумот олади;
- Ахборот мазмунини чуқур таҳлил қилиш эмас, уни шунчаки қабул қилиш ҳолати;
- Кундалик ахборот оқими шунчалик каттаки, ёшларда таҳлил қилишга вақт ва диққат етмайди.

### НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Олиб борилган назарий таҳлиллар ва мавжуд илмий қарашларни умумлаштириш натижасида ёшлар орасида ахборот маданияти ва танқидий фикрлашни шакллантириш жараёнида қатор тизимли муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди. Ушбу муаммолар, аввало, таълим тизими, оила муҳити, медиа макон ва ижтимоий тармоқлар таъсири билан узвий боғлиқдир. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, таълим муассасаларида танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган методик ёндашувлар етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ўқув жараёнларининг асосий қисми репродуктив, яъни маълумотни ёдлаш ва қайта айтиб беришга асосланган бўлиб, таҳлил қилиш, солиштириш, баҳолаш ва мустақил хулоса чиқаришга кам эътибор қаратилади. Бу ҳолат ёшларнинг ахборотни холис қабул қилиш ва унинг ҳаққонийлигини текшириш қобилиятини чеклаб қўяди.

Шунингдек, тадқиқот доирасида оила муҳитининг ҳам аҳамияти юқори эканлиги аниқланди. Ота-оналарнинг ахборот маданияти ва медиа саводхонлик даражаси паст бўлган ҳолларда ёшлар ахборотни қандай қабул қилиш, уни таҳлил этиш ва баҳолаш бўйича тўғри йўналиш ололмайдди. Натижада, бола ва ўсмирлар ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ҳар қандай ахборотни танқидий ёндашувсиз қабул қилиш ҳолатига дуч келади.

Медиа саводхонликнинг етишмаслиги фейк янгиликлар муаммосини янада чуқурлаштираётган омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ёшлар ахборот манбаларининг ишончлилигини текшириш, хабар мазмунидаги манипулятив усулларни аниқлаш ва ахборот мақсадини англаш кўникмаларига етарлича эга эмас. Айниқса, ижтимоий тармоқларда блогерлар ва инфлюенсерлар томонидан тарқатилаётган сенсацион ва эмоционал мазмундаги ахборотлар ёшлар онгига кучли таъсир кўрсатиб, танқидий фикрлаш ўрнини ҳиссий қабул қилишга бўшатиб бермоқда.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, мазкур муаммоларни бартараф этиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Жумладан, таълим тизимида медиа саводхонлик ва танқидий фикрлашга қаратилган махсус фанлар ва модулларни жорий этиш, интерактив таълим усуллари — дебатлар, кейс-таҳлиллар, фикрлар муҳокамаси ва таҳлилий топшириқлардан кенг фойдаланиш самарали натижалар бериши мумкин. Бу усуллар ёшларни ахборотни пассив қабул қилувчи эмас, балки уни таҳлил қилувчи ва баҳоловчи фаол субъект сифатида шакллантиради. Бундан ташқари, ота-оналар учун ахборот маданияти ва медиа тарбияга бағишланган маърифий семинарлар ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали оила муҳитида ҳам ахборотга онгли муносабат шаклланади ва ёшларнинг ахборот иммунитетини мустаҳкамланади.

Мазкур таҳлиллар асосида шу хулосага келиш мумкинки, ахборот маданияти ва танқидий фикрлашни шакллантириш фақатгина таълим муассасаларининг вазифаси эмас, балки давлат, жамоат ташкилотлари, медиа соҳаси ва оила ўртасидаги ҳамкорликка таянган узлуксиз ижтимоий жараёндир. Фақат шу ҳолдагина ёш авлод фейк янгиликлар таҳдидига қарши тура оладиган, ахборот муҳитида онгли ва масъулиятли фуқаро сифатида камол топади [4, 5, 6, 7].

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, глобал ахборот макони жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда ёшларнинг ахборотни қабул қилиш, таҳлил этиш ва баҳолаш қобилияти ижтимоий барқарорлик ва маънавий хавфсизликни таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ахборот оқимининг ҳаддан ташқари

кўпайиши ва фейк янгиликларнинг кенг тарқалиши ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, уларда нотўғри хулосалар ва манипулятив фикрларнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ахборот маданияти ва танқидий фикрлаш ёшларни фейк янгиликлар таъсиридан ҳимоя қилишнинг асосий интеллектуал механизми ҳисобланади. Ахборот маданияти шахснинг ахборот манбаларини онгли танлаши, ахборотнинг ишончлилигини текшириши ва ундан мақсадли фойдаланиш қобилиятини шакллантирса, танқидий фикрлаш ушбу жараёнда таҳлил, солиштириш ва холис хулоса чиқаришни таъминлайди.

Мазкур муаммони самарали ҳал этиш таълим тизимида танқидий фикрлашга қаратилган методик ёндашувларни такомиллаштиришни талаб қилади. Ўқув жараёнларида интерактив таълим усуллари, таҳлилий топшириқлар, баҳс-мунозаралар ва кейс-таҳлиллардан фойдаланиш ёшларнинг ахборотга нисбатан фаол ва онгли муносабатини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, медиа саводхонликни оширишга қаратилган махсус дастурлар ва фанларни жорий этиш замонавий таълимнинг устувор вазибаларидан бири бўлиши лозим.

Шунингдек, оила муҳитининг роли ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг ахборот маданияти даражаси ёшларнинг ахборотга бўлган муносабатини шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бу борада ота-оналар учун медиа тарбия ва ахборот маданиятига оид маърифий тадбирларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, ахборот маданияти ва танқидий фикрлашни шакллантириш давлат, таълим муассасалари, медиа тузилмалари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши лозим бўлган узлуксиз ижтимоий жараёндир. Фақат шу ҳолдагина ёш авлод ахборот муҳитида мустақил фикрлай оладиган, холис қарор қабул қиладиган ва фейк янгиликлар таҳдидига қарши тура оладиган етук шахс сифатида камол топади.

## Фойдаланадиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 29.10.2019 й., ЎРҚ-576-сон.
2. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 09.12.2003 й., №560-П.
3. Ишмухамедов Р.Ж., Йўлдошев Ж.Г. Таълимда ахборот технологиялари ва педагогик инновациялар. — Тошкент: «Фан ва технология», 2018 йил. — 256 бет.
4. Каримов И.Р., Абдуллаев А.А. Ахборот хавфсизлиги ва медиа маданият: назария ва амалиёт. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2020 йил. — 192 бет.
5. Рахимов С.А., Турдибоев Х.К. Ёшлар орасида медиа саводхонликни шакллантириш масалалари. “Таълим ва инновация” илмий журнали. № 2, март–апрель, 2022 йил. — 45–50 бетлар.
6. Назаров Қ.Н., Саидов М.М. Глобал ахборот маконида фейк янгиликлар ва уларнинг ижтимоий таъсири. “Ижтимоий фанлар” республика илмий журнали. № 4, 2021 йил. — 112–118 бетлар.
7. Холмуродов Ш.Б. Ахборот маданияти ва танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик асослари. — Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2019 йил. — 180 бет.
8. Юнусов Ш.А. Медиа саводхонлик: назария ва амалиёт. — Тошкент: “Инновация”, 2022.